

Қозоғистон Республикасидаги диний ташкилотларига оид

Қозоғистон Республикасидаги диний ташкилотларига оид мавжуд маълумотлар таҳлили сўнги йилларда Қозоғистон Республикасида (ҚР) диний ташкилотлар сонининг ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда ҚРдаги диний бирлашмалар сони кўпайиб, маҳаллий аҳолиси орасида, айниқса мамлакат жанубий вилоятларида турли диний ташкилотлар фаолияти ривожланиб бораётгани кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда ҚРда расмий маълумотлар бўйича 46 та диний конфессия ва барча диний оқимлар вакиллари фаолият олиб бормоқда. Республика Бош прокуратураси мавжуд диний ташкилотлардан 1870 тасининг фаолияти мамлакат миллий хавфсизлигига таҳдид солишини маълум қилган.

Бугунги кунда ҚРда 27 мамлакатдан 384 та миссионер фаолият олиб бормоқда (1990 йилларда 12 та). Улардан 200 таси католик-миссионерлардир. Сўнгги тўрт йил ичида ҚР Бош прокуратураси диний бирлашмалардан 13 тасини террористик ва 1 тасини экстримистик ташкилот сифатида тан олиб, мамлакат ҳудудида фаолиятини таъқиқлаб қўйган.

Сўнгги йилларда Қозоғистон Республикасида диний бирлашмалар сони ортиб бормоқда.

Жумладан, ҚР Дин ишлари бўйича Кенгаш маълумоти бўйича мамлакатда 1991 йил 1 январда 900 та, 1997 йил 1 январда 1642 та диний ташкилот ва 30 конфессия, бугунги кунда 4173 та диний бирлашмалар (норасмий маълумотларга қараганда бугунги кунда диний ташкилотлар сони 4500 тага етган) рўйхатдан ўтган. Шунингдек, Қозоғистон мусулмонлар диний бошқармаси (ҚМДБ) маълумотига қараганда айниқ вақтда мамлакатда 2441 Исломий бирлашмалар (Исломий бирлашмалар сони 90-йилларда 46 та), 293 та Рус Проваслав черкови (90-йилларда 62 та), 362 та Евангелия христиан-баптистлар (90-йилларда 168 та), 78 та Иегова Шоҳидлари (90-йилларда 27 та), 540 та (90-йилларда 13 та) янги йўналишдаги протестантлар ва бошқа диний бирлашмалар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, мамлакатдаги диний уюшмалар ўзларининг 3129 та иншоотларига (масжид, черков, сифиниш уйлари) ва 38 та мавсумий наشرларга, 6 та синагогларга эга.

Бундан ташқари умумий диний бирлашмаларнинг 700 таси ва мамлакатдаги миссионерларнинг 200 таси (Иегова шоҳидлари, Таблиғчилар, Адвентистлар ва Караганда вилояти, Остона ва Олма-ота шаҳирлари аҳолиси орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Миссионерлар аҳоли ўртасида ўз тарғибот ташвиқот ишларини амалга оширишда турли хил наشرлар, газета ва журналлардан, айниқса электрон восита, CD дискларга ёзилган даъватлардан фойдаланмоқда.

Бугунги кунда ҚРнинг жанубий вилоятларида турли диний уюшмалар фаолияти ривожланиб бормоқда.

Жумладан, 2015 йил давомида Қозоғистоннинг жанубий Тароз (рус ва бошқа миллат вакиллари учун) ва Шимкент (ўзбеклар учун) шоҳидларида уч маротаба "Иегова шоҳилари" конгресси ўтказилган. Ҳозирда мамлакатнинг жанубий

регионларида республикадаги мавжуд диний бирлашмаларнинг 2000 га яқини фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, сўнги йилларда Жанубий Қозоғистон вилоятидаги "Убай ибн Кааб" мадрасаси фаолиятида сезиларли ўзгаришлар бўлиб, у ердаги тарбияланувчиларга диний билимлар билан бир қаторда шарқ яқка кураши, самбо, ҳарбий жанг санъатлари ҳам ўргатиляпти.

Хусусан, Мангистау вилоятининг Актау шаҳрида вақтинча ижарага олинган биноларда "Таблиғ" экстремистик ташкилоти бир ойлик ўқув курси ташкил этиб, битирувчиларни таблиғий ғояларни тарқатиш учун а^оли пунктларига жунатишган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҚР диний ташкилотлар сонининг ортиб бориши ва миссионерлик фаолияти натижасида мамлакат а^олиси уртасида экстремистик ғоялар тарқалишига олиб келади.

ҚРда радикал диний ташкилотлар фаолиятининг кенгайиши мамлакат барқарорсизлигига олиб келади. Бу эса уз навбатида кушни давлатлар хавфсизлигига ва хусусан Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига таҳдид солади.